

ЎЗБЕКИСТОН ГАЗЛАМАСИ НИЙИНТИРАР ЭЛ-ЮРТНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ20-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 171 (4887).

30
АВГУСТПАЙШАНБА
1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ БУГУН- ГИ СОНИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШ- КЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА БАҒИШЛАНАДИ.



Республикамиз оқсоқоли Иўлош ота Охунбобоев Тошкент тўқимачилик комбинати пойдеворида биринчи яштин қўйган эди. Чандаги расмда ана шу тантанали дақиқа аёс этдирилган.

ЎНГДАГИ СУРАТДА: ҳозирги вақтда комбинатда ўйлаб миллилат мансуб кишилар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишяпти. Шу бондан ҳам корхонани «интернационал оила» деб аташади. Сиз ана шу инсон оиланинг айрим ёш аъзоларини кўриб турибсиз: (чапдан) рус Лариса Лексочева, латин Наташа Сулиқ, қорейс Феня Ким, татар Масуда Мухаёрова, армени Лири Палоян, доқоз Светлана Хисомова, ўзбек Фотима Эшматова ва Санобар Ҳайдаралиева, украин Елена Богданова, татар қизи Мунира Ёқубова.

тўртдан бир қисmini кийинтиришга эгадир. Ана шу сермашинли ва маъноли рақамлар комбинат коллективни нақадар шарафли ва олийжаноб назифани баъраётганини аққол кўрсатиб турибди.

Комбинатда жуда кўп ватанпарварлик ташаббуслари бошланган. Донгдор тўқимачилар Лидия Казанцева ва Евгения Губиналарнинг шахсий беш йиллик тошириқларини барвақт бажариш, бунинг учун кўп станокчилар ҳаракатини аниқ олдириш юзасидан бошлаган ташаббуслари республикамиз оша бутун мамлакатимизга ёнлди. Улар йиллар давомида фойдаланилмай ётган минглаб станокларнинг ишга туширилишига ёрдам бердилар. Шунинг учун ҳам уларнинг номлари тилларда дoston бўлмоқда, сафдошлари қатори йилдай-йилга қўлайиб бормоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинати, унинг олийжаноб, олий ҳиммати, оташ қалби, совет кишиларини нафис ва кўркам, тўзал ва пинҳон ташламавлар билан мўл-кўл таъминлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган коллектив республикамиз ҳар бир меҳнатқилиннинг гурури ва фахри ҳисобланади. Қудратли индустрияимизнинг ана шундай улкан корхоналарини қанчалек кўз-кўз қилсак арзийди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этганлигининг ярим асрлик тўйи шарафига берилган тематик материалларни беришнинг комбинат ҳақидаги кўш саҳифадан бошладик. Газетамизнинг иккинчи ва учинчи саҳифаларида ажойиб анъаналарга бой бўлган комбинат ва унинг меҳнатсевар тўқимачилари тўғрисидаги материалларни ўқийсиз.

ПИЛЛАЧИЛИКНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН

Область пиллачилик бошқармаси 1974—1975 йилларда Тошкент области хўжалиқларида пиллачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тут дарахтларининг ҳосилдорлигини ошириш ва пиллачиликнинг рентабеллигини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқдилар. Тадбирларда жумладан қўйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилди.

1. Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича 1974—1975 йилларда пилла қурти боқиб учун тут дарахтларидан кўп барг олишни таъминлаш мақсадида ҳамма жойларда баҳорда 2—3 марта кўчат ўтказилди ва тўзторлар ёзда 2—3 марта сугорилди. Шу йилнинг ва келгуси йилнинг кузида тўзторлардаги қатор оралари шугор қилинади. Қатор қилиб энгилган тут дарахтлари тағдир юмшатилади. Шугорлардан олдиндан фосфор ўтти солинади.

Шу йилнинг кузи ва 1974—1975 йилларнинг баҳорида ҳар йили 10 миллион дондан тут кўчатини экилади.

Экилаётган тут кўчатларининг бир қисми ҳар йили кўп-таб нобуд бўлиб кетмоқда. Ана шунинг ҳисобига олиб еифатли тут кўчатлари танлаш устидан қатъий назорат ўрнатилди. Кўчат ўтказишда агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинади. Ана шундай қилинса, ҳар йили кам деганда 80 процент кўчатнинг тутиб қолгани таъмин этилади. 1974—1975 йилларда озуқа базасини мустаҳкамлаш янада яхшилаш учун

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети пиллачилик область бошқармаси ва бошқа қишлоқ хўжалик органларининг область хўжалиқларида пиллачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тут дарахтларининг ҳосилдорлигини ошириш ва пиллачиликнинг рентабеллигини кўтариш бўйича белгиланган тадбирларни кўриб чиқиб қарор қилдилар.

Область пиллачилик бошқармасининг 1972—1975 йилларда область хўжалиқларида пиллачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тут дарахтларининг ҳосилдорлигини ошириш ва пиллачиликнинг рентабеллигини кўчатириш бўйича белгиланган тадбирларни маъқуллашсин.

Ўшбу тадбир тўғрисидаги ҳужжатлар об-

ласть қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трестларига, область план бўлимига, «Узсельхозтехника»нинг область бирлашмасига, область колхозлар қурилиш бошқармасига, Ўрта Осиё пиллачилик илмий текшириш институтига, район партия комитетларига ва район ижроия комитетларига юборилсин.

Область қишлоқ хўжалиги органларига, район партия комитетларига, район ижроия комитетларига ана шу тадбирлар асосида ҳар бир хўжалик бўйича тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш ва бу тадбирларнинг бажарилишини таъмин этиш топширилсин.

Маъкур қарорнинг бажарилиши ҳақида ҳар йили 1 декабрда область партия комитети ва область ижроия комитетига ахборот бериб турилисин.

ҳар йили 36 гектар майдонда кўчат ўстирилади ва 36 гектар майдонда кўчат етказилади.

Юқори ҳада тўғрисида моддаларга бой бўлган барг ҳосили берадиган тут дарахтларини ўстириш учун 1974—1975 йилларнинг эрта баҳорида барча тут дарахтлари қатор оралари минерал ўғитлар билан озик-сангирланади. Бўстонлик районидаги Карл Маркс номида қоз-хоз базасида насчилик-пиллачилик совхози ташкил этиш теълаштирилади. Бу тадбир юқори сифатли насдор қурт уруғи етиштиришни яхшилаш ва зарур миқдордаги тут дарахт кўчатлари етиштиришни таъминлаш имкониятини беради.

2. Пиллачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича

Пилла қуртларини юқори агротехника қоидалари асосида парвартиш қилишни таъминлаш учун областдаги ҳар бир хўжалик бўйича 50 қурт уруғи гиттадан агротехник — пиллачи ажратилади.

Пилла қурти боқадиган хўжалиқларини уларнинг азиятлари бўйича етарли миқдорда анжозлар ва тегишли техника ускуналари билан таъминлаш тадбирларини амалга оширилади.

1974—1975 йиллардаги капитал қурилиш лавозларида типовой усулдаги жамоатчилик қуртхоналари билан бирга ин-

кубаториялар қурилиши ҳам кўзда тутилди.

Инкубаторияларнинг типовой лойиҳалари учун техника хўжалиқлари тайёрланади, шунингдек 10 қурт уруғи учун мўлжалланган умумий қуртхоналар ҳамда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг хонадонларида 1—2 қурт уруғи боқибга мўлжалланган оддий қуртхоналарнинг типовой лойиҳалари тайёрланади.

1974—1975 йилларда область хўжалиқларида насдор пилла қуртлари боқилган хоналар учун ускуналар ва монтажлар ўрнатиш кўзда тутилди.

Колхозчилар ва совхоз ишчи-

ларининг ҳовлиларида қолхоз ва совхозларнинг ички хўжалик маблаглари ҳисобига 1—2 қуртхона қурт уруғи боқибга мўлжалланган оддий қуртхоналар қурилиши ташкил этилади.

Пилла етиштириш саймони қўлайиб бормоқда. Бу хом ашёнинг дастлабни ишлаш учун зарур бўюмлар, тош-тарозилар, стеллажлар, қабул қилиб олиш, уни қайта ишлаш учун керак бўладиган бошқа воситаларни ишлаб чиқишни область қолхоз қурилиш идораси ўзининг 1974 йилдаги планига киритиш керак. Бу планга мувофиқ 18 минг квадрат метр стеллаж, 2 минг квадрат метр қабул қилувчи тарозиларни тайёрлаш амалга оширилади.

Пиллачи дастлабни қайта ишлаш базаларини таралар ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Шундай қилинса хом ашёни транспортларга еифатли жойлаштириш мумкин бўлади.

Пилладан мўл ҳосил олиш учун 1974 йилда ҳорелладан 500 қурт уруғига мўлжалланган суспензия тайёрлаш учун лоток ўрнатиш кўзда тутилди.

3. Қадрлар тайёрлаш бўйича

Область пиллачилик бошқармаси зиммасига, пиллачилик Ўрта Осиё илмий текшириш институтига, район пиллачилик идораларига 1974—1975 йилнинг январь-февраль ойларига юқори малакали кадрлар (агрономлар, агротехниклар, уста барг қирқувчилар, районлар бўйича пиллачилик звенолари) тайёрлашни ташкил этиш топширилади.

Пиллачи дастлабни қайта ишлаш базаларини таралар ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Шундай қилинса хом ашёни транспортларга еифатли жойлаштириш мумкин бўлади.

Пилладан мўл ҳосил олиш учун 1974 йилда ҳорелладан 500 қурт уруғига мўлжалланган суспензия тайёрлаш учун лоток ўрнатиш кўзда тутилди.

3. Қадрлар тайёрлаш бўйича

Область пиллачилик бошқармаси зиммасига, пиллачилик Ўрта Осиё илмий текшириш институтига, район пиллачилик идораларига 1974—1975 йилнинг январь-февраль ойларига юқори малакали кадрлар (агрономлар, агротехниклар, уста барг қирқувчилар, районлар бўйича пиллачилик звенолари) тайёрлашни ташкил этиш топширилади.

Л. И. БРЕЖНЕВ АМЕРИКА-СОВЕТ САВДО ПАЛАТАСИ ДИРЕКТОРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ Д. КЕНДАЛЛАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 28 августда Қримда Америка—Совет савдо палатаси директорлари кенгашининг раиси Д. Кендаллани қабул қилди. У СССР ташиқ оид министри билан озиқ-овқат саноати министрининг тақлифига биноан Совет Иттифоқига келган.

Суҳбат чоғида СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга доир баъзи масалалар ва Америка—Совет савдо палатасининг бу соҳадаги роли

қўриб қилинди. Америка—Совет савдо палатасини тузиш тўғрисида шу йил июнь ойида АҚШда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув вақтида келишиб олинган эди. Ҳар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун палата фаолиятининг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат* амалий, конструктив рўқда ўтди. Суҳбатда СССР ташиқ савдо министрининг ўринбосари В. С. Алхимов иштирок этди.

А. Н. КОСИГИН Л. ШТРОУГАЛ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 28 августда Қримда Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Штроугал билан учрашди.

Ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг бошқилари СССР ва Чехословакия халқ хўжалигини ривожлантириш планларини мувофиқлаштириш соҳасида ҳозирги вақтда план органлари ўртасида биргаликда олиб борилаётган ишларнинг дастлабни натижаларига ижобий баҳо бердилар. Келгусидаги давр—1976—1980 йилларда Совет-Чехословакия иқтисодий ҳамкорлигининг бир қанча катта масалалари ҳал қилинди. А. Н. Косигин билан Л. Штроугал асосий йўналишлар тўғрисида ҳам келишиб олдилар. Ана шу йўналишларга мувофиқ план, органлар ва тармоқ министрликлари Совет-Чехословакия ҳамкорлиги самарадорлигини янада ошириш ҳамда социалистик ва коммунист қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш мақсадида халқ хўжалик планларини маҳкам боғлаб олиб бериш соҳасидаги бундан буёнги ишларни давом эттириладилар.

Учрашувда эришилган натижалар ўзаро иқтисодий ёрдам, кенгашида аъзо бўлган мамлакатларнинг социалистик иқтисодий интеграциясини янада кучайтириш ва улар ўртасидаги иқтисодий ҳам-

корлигини бутун чоралар билан ривожлантириш юзасидан КПСС Марказий Комитети билан Чехословакия Компартияси Марказий Комитети ҳамда ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари қабул қилган, шунингдек социалистик мамлакатлар коммунист ва ишчи партиялари раҳбарларининг Қримда бўлиб ўтган учрашувда қабул қилинган принципиал қарорларни тез амалга оширишга ёрдам беради.

Учрашувда самимий, ўртоқлик абадлантиди ўтди. Учрашувда совет томонидан СССР Министрлар Совети Раёсининг ўринбосари, Госплан раиси Н. К. Байбаков, Н. А. Байбаков, В. Н. Новиков, Н. А. Тихонов, бошқа расмий кишилар, Чехословакия томонидан ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари В. Гула, шунингдек ЧССР раиси Совет Иттифонидан элчиси Я. Гавелка ҳозир бўлдилар.

А. Н. Косигин шу кунги Л. Штроугал шарафига ношуфта анифат берди. Дўстона вазиётада ўтган зиёфатда К. Т. Мазуров, Н. К. Байбаков, В. Н. Новиков, Н. А. Тихонов, бошқа расмий кишилар, Чехословакия томонидан ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари В. Гула, шунингдек ЧССР раиси Совет Иттифонидан элчиси Я. Гавелка ҳозир бўлдилар.

Л. Штроугал 28 август кечқурун ватанига жўнаб кетди.

(ТАСС).

МЕХНАТ УНУМДОРЛИ- ГИ ОШМОҚДА

Оққўрғон пахта тозалаш завод коллективни туққизинчи беш йиллигининг ҳал қилувчи учинчи йилида план тошириқларини муқаддас илгари баъжариш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этмоқда. Корхона ишчи-хизматчилари социалистик мусобақани аниқ олдириш, мавжуд резервлар ва


имкониятлардан самарали фойдаланиш туфайли ишлаб чиқаришининг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини ой сайин яхшилашга муваффақ бўлмоқдалар.

Бу йил юксак марраларни қўлаб меҳнат қилаётган пахта тозаловчилар шу кунларда туққизинчи ой ҳисобига маҳсулот беришяпти. Улар саккиз

ойлик товар маҳсулоти тайёрлаш ва уни реализация қилиш планини муддатидан 15 кун илгари адо этишган эди. Ана шу даврда тошириқдан ташқари 226 тонна пахта толаси ишлаб чиқарилиб, бу соҳа бўйича план 104 процент қилиб бажарилди. Айниқса, меҳнат унумдорлигини оширишда қувончли ютуқлар қўлга кири-

тилди. У белгиланганига қараганда 12 процент ортди.

Корхона коллективини шу кунларда қўлга киритилган ютуқларини янада мустаҳкамлаш ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларини бемаи-қўст бажариш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқда.



КОМБИНАТ ФАБРИКАЛАРИДА

Комбинатда ишлаб чиқариш жараёнида серурум машина ва механизмлар зиммасига юклаш борасида йил сайин катта ишлар амалга оширилади. Бу ерда деярлик ҳар бир цехда янги хил машина ва механизмлар ҳамда асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади. Тўққизинчи беш йилликда корхона бўйича 3500 та замонавий дастгоҳ ўрнатилиши мўлжалланган. Биргина шу йилнинг ўзидagina 345 хил янги техника ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш суръатини тезлаштириш, қўл меҳнатини анча енгиллаштириш, иш унумдорлигини ошириш имконини беради. Жумладан, сиз суратда кўриб турган 2-ип йиғириш фабрикасининг цехларида ҳам янги хил дастгоҳлар янада қўлайди.

А. Абалия фотоси.

ГАЗЛАМАМИЗ ТОВЛАНАР— „ОҚ ОЛТИН“ ДАН ИПЛАРИ,

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

КОМБИНАТИМИЗ республикамиз бойтахтининг тўғич корхоналаридан бири ҳисобланади. Келгуси йилда унинг ишга тушганлигининг 40 йиллигини байрам қиламиз. Ана шу йиллар корхонамиз учун мисли кўрилмаган тез суръатлар билан юксалиш, қамолот сари равишга топиш даври бўлди. Эндигина комбинат мамлакатимизнинг илгизлама ишлаб чиқарувчи энг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади.

Партиянинг тарихий XVII конференциясида Ўрта Осиёда энг йирик тўқимачилик гигантини қуриш масаласи музокама қилинди. 1932 йилнинг 13 февралда СССР Ҳалқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Меҳнат ва Мудофаа Совети Тошкент тўқимачилик комбинатини қуриш, устуналарини монтаж қилиш ва ишга тушириш муддатлари ҳақида қарор қабул қилди. Орадан йигирма кун ўтар ўтмас давлат комиссияси Тошкентнинг жанубий-шарқидан бўлажак комбинатини бунёд этиш учун майдон белгилади. Айни вақтда Москвадаги «Ортекстиль» идораси раҳбарлигида корхонамизни лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди.

Қурилиш учун ташлаб олинган жой шаҳардан анча четда, қимматсиз бўлиб, қуриш аялангидан иборат эди. Ўшда туруркан, қишда лойдан бўлмас эди. Ана шу катта майдонда кўп ўтмай қурилиш ишлари бошлаб юборилди. 1932 йилнинг 6 майда Тошкент меҳнатнашларнинг корхона қурилиши бошлангига бағишланган 30 минг кишининг митинги бўлди. Митингга республикамиз оқсоқоли Пўлдош Охунбоев ерқин нутқ сўзлади. У ўз нутқини қуйидаги сўзлар билан тамомлади:

— Ўловсевичлар! Иродаси билан бу ташландиқ ерда тўқимачилик комбинатини қурилади.

Комбинат пойдеворида биринчи ғиштнинг ҳам йўдош Охунбоев қўйди. Бу улкан қурилишда бутун совет халқи иштирок этди. Республикамиз сановатли усталини ҳисоблаган улкан замонавий корхонани бунёд қилишга киришган ўзбек халқи мамлакатимиздаги барча қардош ва йўдош халқларнинг улкан ёрдами ва маънавий ҳар қили, ҳар соатда сезиб турди. Қурилишга Горький автомобиль заводи, Саратов комбайн заводи каби гигант корхоналарини бунёд этишда жонбозлик кўрсатиб, бой тажриба орттирган малакали қурувчилар фаол қатнашдилар. Қурилиш давомида қўшмача шанбалик ва яшанбаликлар ўтказиб турилди. Уларда республикамизнинг қатор областлари меҳнатқашлари вакиллари иштирок этдилар. Тошкент, Фарғона ва Самарқанд областлари меҳнатқашлари, ўнлаб заводларнинг ишчи-хизматчилари, мактаб ўқувчилари, студентлардан иборат минглаб ҳашарчилар бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшдилар. Фақатгина 1932 йилдаёқ ана шундай унуматлиқ ҳашарларида 32 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати комбинат қурилишининг боришини аър эътибор билан кузатиб турдилар ва уни барпо этишни жадаллаштиришга қаратилган жуда кўп чораларни кўрдилар. Бу ерда қўлаб мутахассислар юборилди. Айниқса, Иваново области тўқимачилари салмоқли ердан бердилар.

Қурилиш бошлангиси билан корхонада ишлаш учун маҳаллий кадрлар тайёрлаш ҳам бошлаб юборилди. Юзлаб маҳаллий миллат вакиллари мамлакатимизнинг тўқимачилик тармоғига

А. БУРХОНОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли
Тошкент тўқимачилик
комбинатининг директори.

мизнинг тўқимачилик корхоналарига касб ўрганиш учун юборилди. Абдуллаев, Аҳмаджонов, Марасулов, Қосимов ва бошқа қўлаб бўлажак тўқимачилар Москва, Иваново, Серпухов ва бошқа шаҳарлардаги тўқимачилик корхоналарида янги хунарининг сир-асорларини ўргандилар.

1934 йилда 1-йиғирув-тўқув фабрикасининг 8 та тўқув станогини ишга туширилди. Бу коллективизмнинг биринчи қадами эди. Бу станоклар Фарғона тўқимачилик фабрикаси ишлаб чиқарган калавадан газлама тўқий бошлади. Шу йилнинг биринчи августига келиб, 1-йиғирув фабрикасида беҳиммат урчуқ фойдаланишга топширилди ва тўқув станоклари комбинатимизда тайёрланган хом ашё асосида ишлаб бошлади.

Шундан кейинги йилларда комбинатимиз кенгайишда, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтиришда давом эттаверди. Корхонамизнинг иккинчи навоити Бата-нимиз тўқимачилик машинасозлиги завоидарида ишланган энг замонавий устуналар билан жиҳозланди. Натикада корхонада жуда кўп турли-туман илгизламалар — сатин ва миткаш, майя, эфир, кашемир, шифон, нансук, вуаль-креп, малъ-малъ ва бошқа хил газламалар тўқийла бошлади.

Коллективизм Улуғ Ватан урушини йилларида Совет Армиясини қийматли қўшун билан таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг шу даврдаги фидокорона меҳнати Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди. Комбинат 1944 йилнинг 21 январида Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мунофотланди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича ишлар давом эттирилди. Қатор янги корпуслар қурилиб, эски асбоб-ускуналарини замонавий, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган машина-механизмлар билан алмаштириш, ишлаб чиқариш жараёниларини механизациялаш ва автоматлаштириш, иш шaroитини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Комбинатимиз корхоналарини тайин устуналарига қатор қардош социалистик мамлакатлар, жумладан Чехослования, Германия Демократик Республикаси тўқимачилик машинасозлари ҳам самарали ердан бераётганлигини мамнуният билан қайд қиламиз. Уларда яратилган турли марнадаги тўқув станоклари, охораш машиналари корхонамизда иш шaroитини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, материаллар ва хом ашёни қўлаб тежашга ердан бермоқда.

Эндигина комбинатимиз ишлаб чиқаришининг шундай юксак қўлимага эришилди, уни корхона ишга тушган дастлабки йилларда тайёрланган маҳсулот миқдори билан ҳеч тақдослаб бўлмайди. 1935 йилда 1293 тонна калава ишлаб чиқарилиб, 8 миллион метрда бироз кўпроқ газлама тайёрланган бўлса, 1972 йилга келиб бу кўрсаткичлар калава бўйича салкам 20 минг тонна, тайёр газламалар бўйича эса 190 миллион метрда яқини ташкил этди.

Тошкент тўқимачилик комбинати республикамиз сановатининг қўрқи ҳисобла-

нади, десак муболага қилмаган бўламиз. Унинг номи билан ҳар бир меҳнатнаш ҳақли равишда фахрланади ва тўқуриланади. Чунки, Ўзбекистон индустрияси тарихида бутун бир даврни ташкил этган. Комбинатимизнинг яратилишига ҳар бир меҳнатнаш оғзи-қўли ҳисса қўшган бўлса, эндиликда ана шу корхонамиз коллектив меҳнати самарасидан баҳраманд бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам тўқимачилик касбининг ташлаб, ўзи унинг машаққатли ва масъулиятли хунарини, аjoyиб яратувчилик меҳнати мевасини кўз-қўз қилаётган, халқимизни қийинтиришга, демак, унинг фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган тўқимачиларимиз ҳар томонлама ғамхўрлик билан қўршаб олинган.

Лидия Павловна Казанцева, Евгения Александровна Губина, Мария Федоровна Анастова, Социалистик Меҳнат Қайрамони Буолма Жураева ва бошқа ўнлаб, юзлаб тўқимачиларимиз номи республикамиз оша бутун мамлакатимизга ёйилган. Ўзларининг ватанпарварлик ташаббуслари билан кўпчилик ҳурмати, иззат-қадримини қозongan бу ишчиларимиз аjoyиб ишлаб чиқариш новаторлари ҳам ҳисобланадилар. Лидия Казанцева ва Евгения Губиналар беш йиллик шахсий топшириқларини муддатдан илгари бажариш юзасидан белланган ва бутун республикамизга ёйилган ватанпарварлик қаракатининг ташаббуслари бўлишди. Уларнинг бу олижаноб ташаббусларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тўла маъқуллади ва қўлаб-қувватлади. Эндигина республикамизда бу ватанпарвар издошлари ишламаётган бирорта ҳам корхона қурилиш ёни транспорт ташкилотини йўқ десак хато қилмаган бўламиз. Фақатгина комбинатимизда 1293 киши бу ташаббусга қўшилган. Улар ўзлари хизмат кўрсатаётган машина ва станоклар сонини анча кўпайтириб, бекор этган асбоб-ускуналарини ишга солишмоқдалар. Бу билан комбинатимизда дастлаб планлари ва зиммат олинган социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

КПС XXIV съездининг кенг истеъмо товарлари ишлаб чиқариш тез суръатлар билан қўпайтириш юзасидан белгиланган йўл-йўриқларига амал қилаётган, Ўзбекистон Компартияси ва республикамиз 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдираётган коллективимиз тўқимачилик беш йиллигининг ҳақ қилувчи йилида катта-катта меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқда. Шу йилнинг ўтган етти ойида пландайдан ташқари 2 миллион 311 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Топшириқдаги қўшмача 191 тонна калава, 333 минг метр тайёр газлама, 2 миллион 633 минг дона галтак иш ишлаб чиқарилди.

Коллективимиз зиммасига юклатилган барча-катта ва мураккаб вазифаларни шараф билан бажариш учун бугун бундан ҳам хорай-томай меҳнат қилади. Биз дид ва аҳтиёж кун сайин ортиб бораётган совет кишиларига қўлаб ва сифатли илгизламалар етказиб бериш, уларнинг қилини кўпайтириш, чидамлилигини ошириш йўлида ижодий излашни қўлимини илада кенгайтирамоқда. Корхонамиз ишчи-хизматчилари, коллективимиз қўлидан чиқаятган маҳсулотлар маркази шарафини оширишга бутун билимимиз, таърибимиз ва маҳоратимизни сафарбар этамиз.



Тўқимачилар ўз корхоналарини қурилган ва ишга тушган пайтда Иваново тўқимачилари биринчи бор ердан қўлини мўлғайдиқларини асло унутмайдилар. Ивановолик ҳамкасбларнинг тошкентлик дўстлари билан ҳамкорлиги ҳамон давом этиб, тобора мустаҳкамлашиб бормоқда. Суратда (чапдан) Евгения Губина, Ивановолик ҳамкасби Анастасия Ерофеева ва Лидия Казанцева.

МАҲСУЛОТИ ЖАҲОНГА МАНЗУР

Комбинат тўқимачилари ишлаб чиқараётган турли-туман газламалар ўзининг нафислиги ва кўркамлиги билан алта манзур бўлмоқда. Шунинг учун ҳам корхона маҳсулотларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Қўли гуа тўқимачилар тайёрлаган серкило, гўзал газламалар мамлакатимизнинг барча қардош республикаларига етказиб берилмоқда. Айни вақтда ўнлаб чет-эл мамлакатлари ҳам бу маҳсулотларини харид қилмоқдалар.

Комбинатнинг чет эллик мижозлари сафида йиғиримага яқин мамлакат бор. Вьетнам, Демократик Республикаси, Югославия сингари социалистик мамлакатлар комбинат маҳсулотларини қўлаб сотиб оlishтири. Бундан ташқари, Афғонистон, Сурия, Ливан, Голландия, Ливия, Того, Либерия, Сингапур, Судан, Индонезия ва бошқа давлатлар корхонамизнинг доимий мижозлари ҳисобланадилар. Уларга ҳар йили юзларча минг метр тайёр газламалар етказиб берилмоқда.

дан ва хомашёдан анчагина тежаб қоллпман. Шу кунларда комбинатимизда ўнлаб-юзлаб тўқимачилар ўртасида тўқимачилик беш йиллик топшириқларини муддатдан аввал бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Мен ҳам ана шу мусобақада қатнашганим кўлга киритиш учун устуларим изидан бориб, астойдил меҳнат қиллпман.

Зухра ТОШМАТОВА,
комбинат тўқувчиси.

ОЛТИН ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

СМЕНАМИЗ коллективини асосан ёшлардан иборат. Қўнчилик тўқувчилар, мастер ердмчилари иш бошлаганига эъзолари бутун кечагидан, эр-бир йил ҳам бўлгани йўқ. Созловчиларимиз ҳақида ҳам шу мумкинлигини ҳисоблаб чиқдигани айтиш мумкин. Фақатгина Асхат Амрхонов катта иш таърибисига эга. Бошқалар катта ишнинг даражасига етишиш учун унинг даражасига етишиш учун ҳали кўп тер тўқини керак. Лекин қалб ошам, меҳнатга чиққон, эндиликдан ишловчи ёшларимиз эришаётган ютуқлар чакки бўлмайдилар.

Комбинатимиздек улкан, замонавий корхонада ишлашнинг ўзи уларнинг ғайратига ғайрат қўшмоқда. Катта коллектив сафида ишлаб, унинг шон-шухрати оширишга муносиб ҳисса қўлиш, тайёрланаётган маҳсулотлар марказига доғ тушириш — улар кундалик меҳнатининг шiori бўлиб қолган.

Тўғри, ҳар бир беш йилнинг малакали тўқувчи бўлиш йўлида қатор ишлар қилинапти. Меҳнатини пухта ташкил этиш, нагор таъриблари ўрганишга доим эътибор берилди. Ҳатто муносабатлар сменада ишловчи энг яхши мастер ердмчилари М. Остроухов ва С. Раҳимжўяевлар ёш мастер ердмчиларини ўз оталигига олишди. Таърибали тўқувчилар ўзларининг ёш касбдошлари Н. Гильмутдинова, Т. Митрохина, С. Арбузова, Л. Нодировалар малакасини оширишга ердмчилар бўлишди.

Ёш ишчиларимиз меҳнат стажи таърибиса кам бўлишига қарамай Л. Казанцева ва Е. Губиналар ташаббусига беало қўшилди. Ҳозир қизларимиздан айримлари нормадан 24 урига 30—32 станокни бошқаришда, Х. Абдуқаҳҳорова, Т. Ситкова, Л. Каримбердиева каби меҳнатсевар тўқувчиларимиз эса 36 станокка хизмат кўрсатмоқдалар. Зарядловчилардан Н. Энианова, В. Журавлева, Ф. Шахрозиновалар ҳам бу ватанпарварлик ташаббусидан четда қолмадилар.

Уларнинг ҳар бири нормадан 52 урига 66 станокни зарядлашни удадламоқдалар. Қатор

Г. ПЕТРЕНКО,
2-тўқув фабрикаси 1-цехининг мастери.

ТОШКЕНТДАГИ 85-профессия, кал-техника билим юртини тугатган, менга тўқимачилик номинатига йўланма беришди. Назарий сабоқларини амалиёт билан боғлаб, ишчи пухта ўрганиб олиш лозим эди. Бу мен учун нисбатан енгил кўчди. Негаки, ушшх практикасини шу номбинат фабрикаларида берида ўтказган эдик. Практикамиз раҳбари, мастер оламиз Елена Файзуллина менга ҳам бошқа дўгоналарим қатори тўқимачилик касбини шу ерда ўргатган эдилар.

Устозларим ёнида

Мустақил ишга ўтган кунданонормани тўла бажариб, маҳсулот сифатли бўлишига астойдил иштиндим. Моҳир тўқувчи оламиз, беш йиллик зарбдори Лидия Павловна Казанцева менга тўқувчилик касбининг сирларини яна ҳам чуқурроқ ўргатдилар. Бора-бора

мен ҳам устозларимга тенглашиб ишлаш бошладим, бу билан улар ишончини оқлашга ҳаракат қилдим. Комбинат бўйича ўтказилган моҳирлик кониурсида биринчи ўринни эгаллаганим касбимга бўлган иштиёқимни янада оширдим.

Мен ўзим шу кунларда «милкаль» деб аталадиган газламани бенуқсон тўқинга интиллапман. Бунда баъзан тала узиллигининг олдини олишга тўғри келади. Мен эса тала узилган тақдирда уни нормадан 24 секунд урига 17—18 секундга улаб, иш вақтин

